*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 18 ноябрь ● сешанба ● № 51 (610) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru ● www.minjust.uz

● *Бугун — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун*

# Юрт тимсоли



**БАЙРОҚ. Бу сўз ДАВЛАТ тушунчасидан айри тасаввур қилинмайди. Мустақилликни қўлга киритиб, байроғи, герби ва мадҳиясига эга бўлган халқ, аввало, ўз тақдирини ҳам ўзи белгилайди.**



БАЙРОҒИМИЗ – давлатимиз рамзи. Мазкур миллий тимсолда халқнинг ўтмиши, бугуни, келажаги, шунингдек, орзу-ўйи, маслак-мақсади мужассамдир. Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек: "**Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий ғууримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир**".

Давлатчилигимиз тарихининг қайси бир даврини олиб қарамайлик, давлат рамзлари Ватан тимсоллари сифатида ҳамиша азиз ва муқаддас саналган. Булар шунчаки давлат сиёсатини амалга ошириш воситасигина бўлиб қолмасдан, катта ижтимоий-маънавий аҳамият ҳам касб этган.

Халқимизнинг буюк давлат барпо этиш ғояси, салоҳияти ва умуминсоний қадриятларга содиқлиги, энг аввало, давлат рамзлари ва тимсолларида ўз ифодасини топган. Шу боис, аждодларимиз ҳаётида рамзлар ва тимсоллар жуда эъзозланган. Одамлар давлат тимсоллари учун ўз жонларини ҳам фидо этганлар. Жангларда байроқнинг қулаши ёки душман қўлига ўтиши мағлубият билан баробар бўлган.

2

● *Анжуман*

# Инсон ҳуқуқлари ҳимояси

## Мустаҳкам қонуний асослар, конституциявий кафолатлар

**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА "Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг конституциявий ҳуқуқий кафолатлари" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Унда мамлакатимизда фаолият юритаётган ОАВ ходимлари, инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан шуғулланадиган вазирлик ва идораларнинг вакиллари ҳамда ушбу идораларнинг матбуот учун масъул ходимлари иштирок этишди.**



Анжуманни Адлия вазирининг биринчи ўринбосари А.Аҳмедов бошқарди. Маълумки, истиқлол йилларида жамиятимизнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар замирида, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бўлган эътибор, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, инсон ҳуқуқларини энг олий қадрият сифатида эътироф этиш каби ғоялар асосий мақсад сифатида мустаҳкамланган. Энг муҳими, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини нафақат конституциявий ҳимоя қилишнинг асослари ва кафолатлари шакллантирилди, уни рағбатлантиришнинг миллий тизими ҳам ишлаб чиқилди.



Анжуманда инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича адлия идоралари олиб бораётган ишлар юзасидан ОАВ вакилларига батафсил маълумотлар берилиб, уларнинг бу борадаги саволларига жавоблар қайтарилди.

Матбуот анжумани сўнгида бундай тадбирларни ҳар чорак якунида ўтказишга келишиб олинди.

**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати**

# Миннатдорчилик

## Орасой оқсоқоллари хурсанд

### Ҳурматли таҳририят!

**"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетасида чоп этилган "Орасой аросатда қолмасин" сарлавҳали мақолада орасойлик бир гуруҳ оқсоқолларнинг талаб ва истаклари ёритилган эди.**

Газета ёрдами билан бугунги кунда "Орасой" маҳалла фуқаролар йиғини қайтадан тузилиб, унга 4 та штат бирлиги ажратилиб, фаолият кўрсатмоқда. Бу борада бизга адолатли ёрдам берган, маҳалладагиларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилган газетадан беҳад миннатдормиз.

Фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги барча интилишларимиз бекор кетмаётганлиги, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш йўлидаги интилишларимиз самара бераётганлиги ана шу мисолда ҳам яққол кўриниб турибди.

**Эркин ЖУРАҚУЛОВ,**
**Нурота тумани Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси раиси**

## Эгасига қайтарилди

**1989 ЙИЛДАН БОШЛАБ, турмуш ўртоғим Зулқайнар Абилхайиров билан биргаликда Зангиота тумани, "Эркин" қишлоғи, "Туркистон" маҳалла фуқаролар йиғини, Ю.Абдувалиев кўчасида жойлашган томорқамизда уй-жой қурдик. 1997 йилнинг 23 сентябрида Зангиота тумани ҳокимининг 340-а сонли қарори билан "уй-жойга эгалик ҳуқуқи" берилди. 1998 йилнинг апрель ойига келиб эса, собиқ келинимизнинг хатти-ҳаракати билан биз ўзимиз қурган уйга эгалик ҳуқуқидан маҳрум қилиндик...**

Ўтган давр мобайнида жуда кўп идораларга бош уриб бордик. Лекин ҳақиқатни қарор топтириш осон кечмади. Қачонки, бизнинг муаммомизга "Инсон ва қонун" газетаси таҳририяти аралашиб, "Одамлар нега шикоят ёзади?" сарлавҳали мақола чоп этилгач, масала қонуний ечимини топди. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг апелляция инстанцияси ажримига кўра, ҳовли-жой ҳақиқий эгаси, яъни бизга қайтарилди.

Биз оиламиз номидан одил қарор қабул қилган судьялар, шунингдек, "Инсон ва қонун" газетасининг жонкуяр мухбирларига чин дилдан миннатдорчилик билдирамиз.

**Руқия ТОПИЛДИЕВА**

# Конституция – менинг ҳаётимда



**18-МОДДА.** *Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.*

*Имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.*



**49-МОДДА.** *Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар.*

*Маданий ёдгорликлар давлат муҳофазасидадир.*



**50-МОДДА.** *Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.*



**53-МОДДА.** *Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.*

*Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.*



**67-МОДДА.** *Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар.*

*Цензурага йўл қўйилмайди.*

# Юрт тимсоли

**(Давоми. Боши биринчи бетда)**



Соҳибқирон Амир Темур даврида давлат байроғига ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий куч сифатида қаралган. Шу сабабли курашларда давлат байроғини Амир Темурнинг энг ишонган баҳодир сипоҳийлари қўриқлаган. Темур тузукларида таъкидланишича, душман устидан шижоат ва мардлик кўрсатиб, ғалаба қозонган амирлар ва сипоҳийлар давлат тимсоллари – туғ ва ноғора билан мукофотланган. Бу – соҳибқирон салтанатида давлат рамзлари нечоғли баланд турганлигидан далолат беради.

Хўш, бугунги кунда мустақил давлатимиз рамзлари, хусусан, миллат ғурури бўлган байроғимизга муносабат қандай?

Келажаги буюк давлат барпо этиш ғояси мустақиллигимизнинг илк кунларидаёқ қабул қилинган давлат рамзларида ҳам ифодасини топган. 1991 йилнинг 18 ноябрида қабул қилинган байроғимизда халқимизнинг хоҳиш-иродаси, ақл-салоҳияти, асрлар мобайнида тобланган ғурури, кайфияти акс этган.

Ундаги янги чиқиб келаётган ярим ой, юлдузлар, мовий, оқ, яшил ранглар ҳамда қизил ҳошия чизиқлар халқимиз ғурури ва келажакка бўлган ишончининг мужассам ифодаси ҳисобланади. У халқимиз ифтихорига айланган. 1992 йилнинг 2 мартида БМТга аъзо мамлакатлар сафида Ўзбекистон байроғининг ҳилпираши миллий ғururимизга ғурур қўшди.

Давлат байроғининг ҳуқуқий асоси 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”**ги Қонун билан мустаҳкамланган. Бу қонунда байроғимизнинг шакл-шамойили, фойдаланиш йўл-йўриқлари аниқ кўрсатиб берилган. Ўша пайтдан бошлаб болалар боғчалари, мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида тадбирлар Давлат байроғининг тантанали суратда кўтарилиши, ёшларимизнинг ўнг қўлини кўксига қўйиб мадҳиямизни куйлашидан бошланиши ёшлар қалбида Ватанга, Давлат рамзларига нисбатан ғурур ҳиссини янада юксалтиради.

**Азизхон НОДИРОВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

---

**Президентимиз томонидан 2008 йил 1 майда эълон қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармонида ушбу халқаро Декларация инсон ҳуқуқлари, уларни ҳимоя қилиш тамойиллари ва механизмларини белгилаб берувчи бош ҳужжат сифатида эътироф этилиб, унда бу санани мамлакатимизда кенг нишонлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар назарда тутилган ва кенг қамровли Давлат дастури тасдиқланган.**

60 ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ

● *Миллий ва халқаро қонунчилик уйғунлиги*

# Мамлакатимизда барча ислоҳотлар моҳияти

## Инсон учун моддий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий қулай шароит яратишга қаратилган

МАМЛАКАТИМИЗДА изчил амалга ошириб келинаётган ижтимоий,-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ислоҳотларнинг барчаси инсон манфаатларига йўналтирилган ва инсон учун моддий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий қулай шарт-шароит барпо қилишни кўзлайди.

Ёлланиб ишлайдиган ходимлар ҳуқуқлари кафолатларини кучайтириш, ҳуқуқий ҳимоянинг такомиллашган механизмларини кенг жорий этиш, меҳнат муносабатларига халқаро стандартларни янада кўпроқ сингдириш — Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият ҳуқуқий тизимларига интеграциялашуви ва бунда **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида** мустаҳкамлаб қўйилган универсал нормаларга асосланувчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга кўпроқ таяниш тенденцияси кузатилади. Бунда, айниқса, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг Конвенциялари етакчи ўрин тутади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси томонидан ХМТнинг **13 та Конвенцияси** ратификация қилинган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 13 март куни Халқаро меҳнат ташкилотининг **“Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги ва “Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида”**-ги 182-сонли Конвенциялари ратификация қилинганлиги мамлакатимиз миллий қонунчилигини халқаро ҳуқуқий тизимларга интеграциялаш, ҳуқуқий тизимимизни халқаро нормаларни имплементациялаш орқали бойитиш йўлидаги муҳим қадам сифатида баҳоланмоғи керак. Аслини олганда фуқароларни ишга ёллаш ёши юзасидан миллий меҳнат қонунчилигимизда мавжуд бўлган нормалар юқорида эслатилган ишга қабул қилиш ёшига доир Конвенция талабларига мутлақо мосдир. Бироқ, ХМТ Конвенциясининг давлатимиз томонидан ратификация қилиниши миллий ҳуқуқий нормаларимизни халқаро майдонда легаллаштиришимизга йўл очади ва давлатимизнинг демократик қиёфасини янада яққолроқ намойиш этиш имконини беради.

Бугунги кунда нолегал меҳнат миграцияси ва унинг салбий оқибатларини бартараф қилиш халқаро миқёсдаги муаммолардан бўлиб, бу жараён мамлакатимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Бу соҳада МДҲ мамлакатлари доирасидаги ҳамкорлик алоқаларимизнинг фаоллашиб бораётгани ва мамлакатимизнинг бу борадаги халқаро аҳдлашув ва битимларда кенг иштирок этаётгани эътиборга лойиқ. Бизнинг назаримизда бу жараён миқёс жиҳатидан кенгайтирилиши ва мамлакатимиз Европа, Осиё, Америка меҳнат бозорига чиқиш, иш кучи экспорти билан боғлиқ жараёнларда янада кенгроқ иштирок этиши, бунинг учун зарур миллий ҳамда халқаро ҳуқуқий заминни барпо этиши назарда тутилмоқда ва бунга эришамиз ҳам!

Президентимиз таъкидлаганларидек: **“Бу диёр, бу бетакрор юрт барчамизники, Ватанимизнинг мавқеи ва обрўсини дунёда муносиб даражага кўтариш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз деб, айнан шундай тушунча билан бир ёқадан бош чиқариб, белимизни қаттиқ боғлаб, жорий этилаётган ислоҳот ва янгиланиш жараёнларини қатъият билан давом эттирсак – ҳеч шубҳасиз, марра бизники – Ўзбекистонимизда ўзгаларнинг ҳавасини тортадиган эркин ва фаровон жамиятни қурамиз, ўзимизнинг эзгу мақсадларимизга, албатта, етамиз”**.

**Йўлдош ТУРСУНОВ,**
**ТДЮИ ўқитувчиси**

---

● *Сайлов ва сайловчи*

# Демократиянинг ёрқин ифодаси

## ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ ОЛДИДАН

(Давоми: Боши ўтган сонларда)

**— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчиларининг миқдорий таркиби қандай белгиланади?**

*— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчиларининг миқдорий таркиби ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳалардан вакилликни ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини томонидан белгиланади.*

**— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари вазифасига номзодлар ким томонидан тақдим этилади?**

*— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари вазифасига номзодлар фуқаролар йиғини кўриб чиқиши учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан тақдим этилади.*

**— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда овоз бериш тартиби қандай?**

*— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш очиқ ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилади.*

**— Очиқ ёки яширин овоз бериш масаласини ким ҳал қилади?**

*— Очиқ ёки яширин овоз бериш масаласи фуқаролар йиғини томонидан кўриб чиқилади ва овоз бериш шакли тўғрисида очиқ овоз бериш йўли билан қарор қабул қилинади.*

**— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўйича саноқ комиссияси тузиладими?**

*— Албатта тузилади. Бу масала ҳам фуқаролар йиғини томонидан кўриб чиқилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўйича овоз бериш натижаларини аниқлаш учун фуқаролар йиғини томонидан камида уч кишидан иборат таркибда саноқ комиссияси сайланади.*

**— Агар очиқ овоз бериш шакли танланса, овоз бериш қандай тартибда ўтказилади?**

*— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайлови очиқ овоз бериш орқали ўтказилаётганида овоз бериш ҳар бир номзод бўйича таклифларнинг келиб тушиш тартибига қараб, рози ёки норозилиги қўл кўтариш йўли билан аниқланади.*

**— Яширин овоз бериш қандай тартибда ўтказилади?**

*— Сайлов яширин овоз бериш орқали ўтказилаётганида йиғилиш иштирокчиларига саноқ комиссияси томонидан овоз бериш бюллетенлари берилади.*

**— Овоз бериш бюллетенига номзодлар қандай тартибда киритилади?**

*— Яширин овоз бериш бюллетенига номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми фақат алифбо тартибида киритилади. Бошқача белги бўлиши мумкин эмас.*

**— Бюллетенлар овоз берувчиларга қачон тарқатилади?**

*— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиларини сайлашда яширин овоз бериш бюллетенлари бевосита овоз беришдан олдин тарқатилади.*

(Давоми бор)

**Саволларга Адлия вазирлиги ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлиғи Абдукамол РАҲМОНОВ жавоб берди**

---

## Имтиёз ва тадбиркорлик

**МАЪЛУМКИ, мамлакатимиз истиқлолга эришгандан кейин барча жабҳаларда кенг кўламдаги ислоҳотлар ўтказилди.**

Солиқ соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. 2007 йилнинг 25 декабрида **“Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида”**-ги Қонун қабул қилиниб, жорий йил бошидан янги кодекснинг кучга кириши эса тизимдаги ислоҳотларнинг салмоғини янада оширди.

Янги Солиқ кодексининг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш мақсадида 13 та гуруҳ ташкил этилиб, уларнинг изчил фаолияти йўлга қўйилган.

Бундан кўзланган мақсад, тадбиркорликни ва улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришдан иборатдир. Жиззах шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган тадбир ҳам Солиқ кодексининг моҳиятига бағишланди.

Унда солиқ ставкаларига киритилган қўшимчалар ва ўзгартишлар тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар яратиб берилганлиги, солиқ имтиёзлари юзасидан соҳа мутасаддилари йиғилганларга тушунтиришлар бериб, уларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтаришди.

**Гулчеҳра УРДУШЕВА,**
**Жиззах вилояти Давлат солиқ бошқармаси Ахборот хизмати раҳбари**

---

**БОШ ҚОМУСИМИЗНИНГ 114-моддасида “Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир” деб белгиланган. Ушбу конституциявий меъёр ижросини таъминлаш бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди.**

● *Талқин*

# Суд қарори

## ижроси билан кучли

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ томонидан 2006 йил 31 августда ва 2007 йил 1 ноябрда қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ҳамда **“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарорлари бу борада ҳуқуқий-норматив мезон бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур қарорлар қабул қилингунга қадар департаментнинг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси ва унинг туман, шаҳар бўлимларида жами 51 нафар суд ижрочилари фаолият кўрсатарди. 2006 йил 31 августда қабул қилинган қарорга мувофиқ, яна 50 та штат бирлиги қўшилиб, 101 нафар ходим танлов асосида суд ижрочилари туман, шаҳар бўлимларининг катта суд ижрочиси ва суд ижрочилари лавозимларига тайинландилар. Шу билан бирга 70 нафар суд ижрочилари Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида ўз малакаларини ошириб қайтишди. Бу эса, албатта, ишимизнинг сифати ва кўламига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг 2007 йил 1 ноябрдаги қарорига мувофиқ Суд департаменти таркибида Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси, ҳудудий бошқармаларида ҳам худди шундай бўлимлар ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад, қонунийлик ва интизомни мустаҳкамлаш, таркибий тузилмалар фаолиятини самарали ташкил этиш устидан тизимли таҳлил ва назоратни амалга оширишдир. Қарорнинг яна бир афзаллиги, турли суиистеъмолликларнинг олдини олиш мақсадида хатланган автотранспорт воситалари ва кўчмас мулкларни биржалар орқали очиқ кимошди савдосида сотишнинг янги тартиби жорий қилиниб, мол-мулк сотувчиси, баҳоловчилари ҳамда савдо ташкилотларини танлов асосида саралаб олиш механизми яратилди. Қолаверса, энг яхши кўрсаткичларга эришган Қўқон ҳамда Фарғона шаҳар суд ижрочилари бўлимлари республика Суд департаменти томонидан хизматда фойдаланиш учун “Матиз” ва “Дамас” автомашиналари билан мукофотландилар.



Агар таҳлилларга назар ташласак, 2008 йилнинг 9 ойи мобайнида иш юритувимизда жами 180.092 та ёки 198 миллиард 435 миллион 349 минг сўмлик ижро ҳужжатлари мавжуд бўлгани ҳолда 159.893.077.000 сўмлик иш ижроси тугалланган.

Асосий йўналишимиз — судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш кўлами ҳам анча кенг. Аввало, вилоятимиздаги барча суд бинолари 53.333.000 сўмлик янги мебель жиҳозлари ва электрон ҳисоблагич билан таъминланди. Жиноят ишлари бўйича Риштон ва Фурқат тумани судларига “Нексия”, Бешариқ тумани суд ижрочилари бўлимига эса “Дамас” хизмат автомашинаси олиб берилди.

Ўтган йили Ўзбекистон туманида жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судларнинг янги биноси қурилиши бошланганди. Шундан буён департамент томонидан бино томини ёпиш ҳамда бу йилги пардозлаш, асфальтлаш ва бошқа қурилиш ишлари учун 118 миллион сўм маблағ ажратилди. Суд биноси Конституциямиз қабул қилинганлигининг 16 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади. Бундан ташқари, жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар, Фарғона ва Ёзёвон тумани судларида ҳам 99.800.000 сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди.

Айни пайтда вилоятимиз бўйича 10.438 нафар вояга етмаган фарзандига алимент тўловчилар мавжуд бўлиб, ўтган давр мобайнида уларнинг 82 нафари тўловни ўз вақтида амалга оширмаганлиги боис жиноий жавобгарликка тортилган.

Гап кимнингдир қарз суммаси кўп ёки озлиги ёхуд жиноий жавобгарликка тортилганида эмас, балки отанинг фарзандларини моддий жиҳатдан таъминлашга мажбурлигини нечоғлик англаб етишидадир. Чунки Конституциямизнинг 64-моддасида **“Ота-оналар фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар”** дея қатъий белгиланган. Қолаверса, “Ота бўлиш осон, оталик қилиш қийин” деган гап ҳам бежизга айтилмаган.

Яна бир асосий гап. Ундирув қандай кўринишда ва қанча миқдорда бўлмасин, у тўлиқ амалга оширилиши шарт. Зеро, суд қарори ижроси билан кучли.

**Баҳромжон МАМАЖОНОВ,**
**Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи**

---

# Тизим тадбирлари

## Ислоҳотлар бош мезони

**РОМИТАН ТУМАНИ ҳокимлигида Бухоро вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан “Ёшлар йили” Давлат дастури бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг мазмун-моҳияти юзасидан семинар-йиғилиш ўтказилди.**

УШБУ ТАДБИРДА одам савдосининг салбий оқибатлари хусусида батафсил фикр-мулоҳазалар юритилди.

**Лутфия ТУРҒУНОВА,**
**Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими**

## Адвокатура институти

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси томонидан Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони моҳияти хусусида семинар-йиғилиш ўтказилди.**

СЕМИНАРДА адвокатуранинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилаётганлиги, Юртбошимизнинг Фармони фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириши, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаши алоҳида таъкидланди.

**Эркиной ПАРДАЕВА,**
**Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси ходими**

## Қўлланмага эга бўлдилар

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ адлия бошқармасида “Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби” мавзуида семинар бўлиб ўтди.**

МАЗКУР ТАДБИРДА вилоят адлия бошқармаси ходимлари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларининг умумий бўлими бошлиқлари ҳамда корхона ва ташкилотларнинг юристлари иштирок этиб, керакли маълумот ва қўлланмаларга эга бўлдилар.

**Баҳодир ТИЛАВОВ,**
**Навоий вилояти адлия бошқармаси ходими**

## Қўшма корхоналар фаолияти

**БУХОРО ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси ходимлари томонидан вилоятда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятида юзага келаётган муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан семинар-машғулот ўтказилди.**

ЙИҒИЛИШ ЯКУНИДА барча манфаатдор идораларга хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига доир муаммоларни бартараф этишда кўмаклашиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

**Маҳфуза НОРОВА,**
**Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими**

● *Конституция сабоқлари*

# Ҳимоя ва кафолат пойдевори

## Истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ инсон ҳуқуқларига доир ислоҳотлар изчил амалга оширила бошланди

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Табдирлар дастури тўғрисида"-ги Фармонининг мазмун-моҳияти, энг авволо, инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоялаш ва кафолатлашга қаратилган. Зеро, оламдаги барча неъматлар ичида энг улуғи, энг азизи инсондир.**

ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ дастлабки йиллариданоқ инсон ҳуқуқларига доир ислоҳотларнинг амалга оширилиши, чунончи, "Инсон манфаатлари", "Соғлом авлод", "Она ва бола", "Сиҳат-саломатлик йили", "Оила йили", "Ижтимоий ҳимоя йили", "Ёшлар йили" давлат миқёсидаги йирик ижтимоий дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилиши баробарида мамлакатимизда инсоннинг, аввало, болалар, аёллар, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳар томонлама камол топиши учун зарурий чора-тадбирлар, шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялашга оид туб ҳуқуқий ислоҳотлар, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, судларнинг ихтисослаштирилиши, суд ишларини кўришда апелляция ва кассация инстанциялари жорий этилиши, ярашув институти, ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши каби инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш йўлидаги муҳим омиллар ҳам бу борада ижобий самарасини кўрсатмокда.




Таъкидлаш жоизки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси мамлакатимиз давлат мустақиллигига эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Мазкур декларациянинг қоидалари ва моҳияти инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган Конституциямизда ва миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топган.

Чунончи, Бош қомусимизнинг муқаддимасида дунё тан олган халқаро ҳуқуқ меъёрларининг устуворлиги акс этган. Декларацияда "***ҳамма одамлар ҳуқуқ ва ҳурмати жиҳатидан тенг ва эркин бўлиб, ҳеч қандай фарқсиз туғиладилар***", деб таъкидланади. Ушбу қоидалар Конституциямизнинг ҳам **18-моддасида** ўз аксини топган. Унга кўра, "***Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар***". Конституциямизнинг 24-25-моддалари декларациянинг учинчи моддасига тўғри келади. Яъни, унда ***шахснинг дахлсизлиги, озодлиги ва яшаш ҳуқуқларининг кафолатлари*** баён этилган. Шунингдек, ушбу ҳужжатнинг 5-моддаси ва Конституциямизнинг 26-моддаларида ***шахснинг қадр-қимматини ерга урувчи ёки ноинсоний шафқатсиз қийноқлар мутлақо ман этилиши*** белгилаб қўйилган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидаларида нафақат инсон, унинг шахсий дахлсизлик кофолатлари, балки оила, жамият манфаатлари ҳам ўзининг ёркин ифодасини топган. Айнан, Декларациянинг 16-моддаси "***оила жамият ва давлат томонидан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга***" эканлиги уқтирилади. Ўз навбатида мамлакатимиз Қомусининг 63-моддаси мазкур декларациянинг **16-моддаси** моҳиятини ўзида мужассамлаштириб, "***Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга***" эканлиги таъкидланади.

Мазкур қиёсий таҳлил, Конституциямиз ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларининг уйғунлигини ва моҳиятан ҳамоҳанглигини белгилаш билан бирга қомусимизда инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланганлигини яққол кўрсатиб туради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, миллий қонунчилик меъёрларини ўзида мужассамлаштирган қонунчилигимизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидалари билан йўғрилганлиги ва қиёсан ҳамоҳанглиги, мамлакатимизнинг дунё ҳамжамияти орасида ўз нуфузи ва салоҳияти юқори даражада эканлигини яна бир бор исботлади.

**Олимжон ҚОДИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг девонхона мудири**

● *Бурч ва тежамкорлик*

# Масъулиятсизлик ва лоқайдлик

## ортиқча пул маблағлари сарфланишига сабаб бўлади

**СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИГА қатъий риоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бироқ амалиётда айрим хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг масъулиятсизлиги натижасида тўловларни ўз вақтида тўламаслик ҳолатлари ҳам учраб туради.**



АМАЛИЁТ ТАҲЛИЛИ шуни кўрсатадики, айрим хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг лоқайдлиги ортиқча маблағларнинг сарфланишига сабаб бўлмоқда. Фикримизни мисоллар ёрдамида давом эттирадиган бўлсак, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Давлат солиқ инспекцияси хўжалик судига мурожаат этиб, жавобгар — "Монолитстрой" МЧЖнинг мол-мулки ҳисобидан 63.397,8 сўмлик боқиманда қарзни ундириб беришни сўраган. Маълум бўлишича, мазкур қарздорлик жавобгар томонидан солиқ тўловларини ўз вақтида тўламаганлик оқибатида юзага келган. Даъво аризаси суднинг иш юритувига қабул қилингандан сўнг жавобгар қарз маблағини тўлиқ даъвогар ҳисобига тўлаган. Бироқ суд хўжалик ишини кўришга сарфланадиган харажатлар учун "Монолитстрой" МЧЖ ҳисобидан 25.040 сўмлик давлат божи ва 7200 сўмлик почта харажатини ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди. Бундай ҳолатни шу тумандаги "Рисқибой савдо" МЧЖ, "МУ-1 Сантехйиғиш" ОАЖ, "Шарққурилишбутлашзахира" шўъба корхонаси, "Серра фуд оптима" хусусий корхоналарига нисбатан чиқарилган ҳал қилув қарорларида ҳам кузатиш мумкин.

Халқимизда "Тома-тома кўл бўлур" деган ибратли нақл бор. Унинг замирида тежамкор бўлиш, исрофгарликчиликка асло йўл қўймаслик каби маъно-мазмун мужассам. Шу маънода мазкур нақлнинг акси бўлган ҳолатда эса корхонага дастлаб озроқ, кейинчалик эса катта миқдорда ҳам моддий зарар етиши тайин. Тошкент шаҳар хўжалик судининг жорий йилдаги ўтган 9 ойлик фаолияти таҳлили шуни кўрсатадики, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўламаслик туфайли юзага келган боқиманда қарзларни ундириш мақсадида кўрилган биргина хўжалик ишлари ҳаражатлари миқдори қарийб икки миллион сўмни ташкил этган. Энг ёмони, бу каби лоқайдлик бошқа салбий ҳолатларни ҳам келтириб чиқариши шубҳасиз. Бинобарин, ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект раҳбарлари солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар давлат ғазнасини бойитиши, улар биринчи навбатда бюджет ҳисобидан таъминланадиган пенсия, стипендия, иш ҳақларини тўлашга сарфланишини унутмаслиги даркор.

Масаланинг ана шундай муҳим жиҳатларини инобатга олиб, Тошкент шаҳар хўжалик суди, солиқ ва адлия бошқармалари, шунингдек, бошқа идоралар ҳамкорлигида ўзаро тажриба алмашиш тадбирлари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, тадбиркорлар иштирокида турли ўқув-семинар машғулотлари ўтказиш яхши анъана тусини олган. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилаётган ҳуқуқий тарғибот ишлари ҳам ижобий самара бермокда. Бу каби тадбирлар келгусида ҳам изчил давом этади.

**Қобилжон ҲАМРОЕВ,**
**Тошкент шаҳар хўжалик суди раиси ўринбосари**

● *20 ноябр — Умумжаҳон болалар куни*

# Фарзандларимиз энг яхши анъаналар асосида тарбияланиб

## ватан ва халққа муҳаббат руҳида улғайишади

**МАМЛАКАТИМИЗДА мустаҳкам ва соғлом оила шаклланиши, болалар тарбиясида, жисмоний, руҳий ривожланишида она ҳамда оила ролини кучайтириш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**

АЙНИҚСА, оналар соғлигини мустаҳкамлаш ва соғлом болалар туғилиши, болаларнинг жисмонан соғлом, ақлан баркамол инсон сифатида камол топишида барча омиллар яратилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга қўшилиши ҳам фикримизнинг далилидир.

Жорий йилнинг 7 январида **"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам бу борада муҳим ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат саналади.

Мазкур Қонунда бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича давлат ва бошқарув органлари ваколатлари тартибга солинган, болаларнинг ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик, хусусий мулк, яшаш жойи, билим олиш, ишлаш ва дам олиш ҳуқуқлари кафолатлари белгиланди.

Айни кунларда Адлия вазирлигининг 2008 йил иккинчи ярим йиллик иш режаси ижросини таъминлаш мақсадида умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, коллежлар ҳамда маҳаллаларда **"Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш барчамизнинг бурчимиздир"** шиори остида 25 октябрдан 25 ноябрга қадар ҳуқуқий саводхонлик ойлиги ўтказилмоқда.

Мазкур ҳуқуқий саводхонлик ойлиги ўтказилишидан асосий мақсад



— **"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонун моҳияти, унинг аҳамияти ҳақида мамлакатимизнинг барча ўқув муассасаларида кенг ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришдан иборатдир.

Бундан ташқари, Адлия вазирлиги томонидан **"Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Бола Омбудсмани) тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Мамлакатимизда болалар келажаги учун қайғуриш энг муҳим йўналишлардан бири эканлигига аҳамият берилмоқда. Жумладан, меҳрибонлик уйларида, мактаб-интернатларда ва махсус мактабларда тарбияланаётган болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатилиши, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ва имконияти чекланган болалар ҳуқуқлари ҳимояси таъминланишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Болаларимиз ўзларига нисбатан илиқ муносабат, энг яхши анъана ва одатларимиз, Ватан ва халққа муҳаббат, садоқат, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топишлари шубҳасиздир.

**Меҳрибон АББАСОВА,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**


### ТЕНДЕР САВДОЛАРИ МУДДАТИНИНГ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ХАБАРНОМА

### ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги №ПҚ-672 сонли қарорига асосан аввал эълон қилинган тендерлар бўйича таклифларини қабул қилиш муддатини узайтирилганлигини маълум қилади:**

**Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2008 йил 16 декабрда Тошкент вақти билан соат 12.00да тугайди.**

| Корхонанинг номи | Манзили | Сотиладиган улуш (%) | Бошланғич нархи (минг АҚШ долл.) | Инвестиция мажбуриятлари (минг АҚШ долл.) |
|---|---|---|---|---|
| "Tashkent Palace" МЧЖ ҚК | Тошкент ш. | 99,00 | 37 000,0 | 17 160,0 |
| "Ўзнефтгазкудуқтаъмирлаш" ОАЖ | Бухоро вилояти | 23,00 | 5 180,2 | 10 150,0 |
| "Чимбай май" ОАЖ | Қорақалпоғистон Республикаси | 14,24 | 198,3 | 738,0 |

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги Билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Ушбу ҳолда Информацион меморандум, Тендерни ўтказиш қоидалари ва Тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган Тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Давлат мулки қўмитасига тўлдирилган ва имзоланган Ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида Билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатлари учун белгиланган тўловни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг қуйидаги ҳисоб рақамларидан бирига ўтказиш лозим:

Валюта рақами № 20203840500600289001
Ҳисоб рақами № 20203000600600289001
"Ипак Йўли" АИКБ, Тошкент ш., Фарҳод кўч., 12 – "А" уй.
ИНН 201122696, Банк коди 00444, S.W.I.F.T. код: INIPUZ22.

**Тендер таклифлари очилиши 2008 йил 16 декабрда Тошкент вақти билан соат 16:00да, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қаватда) бўлиб ўтади.**

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат этишингизни сўраймиз:

**"Tashkent Palace" МЧЖ ҚК бўйича:**
Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш Бюроси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, 100003, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 17- қават.
Бош директор в.б. Ахмеджанов Халил Ҳакимжанович эътиборига,
Телефон: +998 (71) 259 2251
Факс: +998 (71) 259 2279
Эл. Почта: ccpbuz@tps.uz

**"Ўзнефтгазкудуқтаъмирлаш" ОАЖ ва "Чимбай май" ОАЖ бўйича:**
Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувввватлаш Бюроси,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, 100003, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55- уй
Давлат мулки қўмитаси биноси, 15- қават.
Бош директор Набихонов Саъдуллахон Ҳамидуллахонович эътиборига,
Телефон: +998 (71) 259 2223
Факс: +998 (71) 259 2142
Эл. Почта: eibb@tps.uz


● *Ислоҳот имкониятлари*

# Инсонни улуғлаш

## суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш — инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган

**ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК давлат қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Ўзбекистонда мамлакатни модернизациялаш ҳамда давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш борасида жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларида кенг қамровли ва изчил ислоҳотлар ўтказиб келинмоқда.**

БУГУНГИ КУНДА бу ислоҳотларнинг ҳуқуқий базаси яратилган бўлиб, у янада такомиллаштирилмоқда. Хусусан, **"Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида", "Судлар тўғрисида", "Прокуратура тўғрисида"**ги қонунлар, қабул қилинди.

Хусусан, умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви, апелляция инстанциясининг киритилиши, кассация инстанцияси ваколатининг кенгайтирилиши, суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг ҳуқуқий жиҳатдан тенглаштирилганлиги, жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган жиноятлар таснифланишининг ўзгартирилиши, ўта оғир жиноятлар тоифасига кирадиган жиноятлар сони камайтирилиши, содир этилган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллаш имкониятининг яратилиши, ярашув институтининг жорий этилиши, суд соҳасида кадрларни танлаш ва тасдиқлашнинг самарали ва демократик механизми яратилганлиги, суд қарорларини ижро этиш бўйича етарлича ваколатларга эга бўлган департамент фаолияти йўлга қўйилганлиги, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолати ҳисобланади.

Жиноий жазо тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлаш ва уни умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштириш имкониятининг яратилганлиги яна бир бор инсон ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий



қадрият эканини эътироф этди. Бу эса бевосита Конституциямизда эътироф этилган инсоннинг яшаш ҳуқуқи узвийлигини таъминлайди.

Суд-ҳуқуқ соҳасида қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги аҳамиятини кенг омма ўртасида тарғиб қилиш адлия идораларининг кундалик вазифасига айланган.

Хусусан, жорий йилда вилоят адлия бошқармаси томонидан **"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"**ги Қонуннинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид, одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган семинар ва қатор тадбирлар ўтказилиб, унда бу борада аҳолига кенг кўламли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, қонун талабларидан келиб чиқиб, вилоятдаги ўзини-ўзи бошқариш ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш ва улар билан ҳамкорликни кучайтириш борасида амалий саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

Республикамизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари мазмун-моҳияти Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланган халқаро меъёрларга тўла мос келади. Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги **"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"**ги Фармони инсон ва унинг қадр-қимматини янада улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада самарали муҳофаза этишга қаратилганлиги фикримизнинг исботидир.

Хулоса қилиб айтганда, суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар мақсади энг олий қадрият — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилгандир.

**Отабек НОРБОЕВ,**
**Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари**




**БУГУНГИ КУНДА** юртимизда аҳолининг нотариуслар хизматига бўлган эҳтиёжи ортмоқда. Шунинг баробарида кишиларнинг бу хизмат турига бўлган муносабати, ҳуқуқий қарашларида ҳам сезиларли даражада ўсиш-ўзгариш кузатилади, дейиш мумкин. Аввалари бирор ҳужжатни тасдиқлатиш учун келганларнинг аксарияти "шундоқ муҳр босиб берсангиз" мазмунида мақсадини тушунтириб, бунга у қадар жиддий ёндашишмасди. Кейинги йилларда эса фуқароларнинг нотариал ҳаракат ижобий ёки салбий жиҳатлари хусусида ҳуқуқий маслаҳат сўраётганлиги, шошма-шошарлик қилмаётгани қувонарли ҳол, албатта,

# Ўзаро ишонч

## ва уй-жойга бўлган мулкий муносабатлар

ЛЕКИН ШУНДАЙ бўлсада, ўзаро ишонч ёки маълум нотариал ҳаракатнинг мазмунини тўла англаб етмаслик, соддалик билан иш тутиш натижасида айрим шахслар кимгадир алданиб қолиш ёки бошқа муаммоларга дуч келиш ҳоллари учраётир. Шуни назарда тутиб, ўз фаолиятимиз давомида бирор нотариал ҳаракатни амалга оширишдан олдин ҳужжатларни ўрганиш билан бирга мижоз билан ҳуқуқий суҳбат қилишга, ҳар томонлама тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Кекса отасини етаклаб келган қирқ ёш чамасидаги ўғли отасининг уй ҳақида васиятнома имзоламоқчилигини, отаси унча тушунмагани учун у билан келганлиги, уй унинг номига васият қилинишини айтди. Отахон билан алоҳида суҳбатлашганимизда чиндан ҳам у васиятноманинг мазмунини билмаслигини тушундик, ўғли "нимагадир қўл қўйишингиз керак экан" деб уни олиб келибди. Ўғлининг мақсадини тушунгач, у бизга ҳали яна икки фарзанди борлиги, улар тенг мерос ҳуқуқига эгалигини билдирди ва ўзи истаган тарзда васиятнома ёзди.

Яна бир ҳолат. Тошкент шаҳрида уй сотиб олиш истаги борлигини айтган фуқаронинг хатти-ҳаракатлари бизни бироз шубҳага солди. Ёнида уч-тўрт ҳамроҳи билан келган бу аёлдан сўраб билдикки, уйни аслида қашқадарёлик дугонаси харид қилмоқчи. Лекин у Тошкент шаҳрида рўйхатда эмаслиги сабабли уйни дугонасининг номига расмийлаштириш фикрида нотариусга мурожаат қилишган. Албатта, биз бундай нотариал ҳаракат ноқонуний саналишини, энг ёмони, кейинчалик нохуш оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини ҳаётий мисоллар ёрдамида тушунтирдик. Ўзганинг номига уй сотиб олишда номига уй расмийлаштирилган кишининг фикри ўзгариб қолиши ёки ўлим ҳолати ва мерос очилиши каби турли сабаблар пул тўловчининг маблағи куйиб қолишига, муаммонинг чигаллашиб кетишига олиб келиши ҳаётда учраб турган ҳолатлардир.

Бизга мурожаат қилувчилар билан суҳбатлашар эканмиз, одамларни қизиқтирган саволлар талай эканини англаймиз. Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти ривожланаётгани, хусусан, нотариус хизмати ҳақида тушунчалари кенгаяётганини англатиб турибди. Ҳуқуқий тарғибот ишларини янада самарали олиб бориш иш фаолиятимизга ҳам ижобий таъсир кўрсатади, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Мамлакат АМИРОВА,**
**Тошкент шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус**

## Ўқидингизми?

# "Ҳидоят"

**"ҲИДОЯТ" журналининг 9-сони мухлислар эътиборига ҳавола қилинди.**




УНИНГ ИЛК САҲИФАСИДА берилган Аҳмад Муҳаммаднинг "Исроф саховат эмас" номли мақоласида исрофгарчилик нималарга олиб келиши, исроф дейилганида тушуниладиган ҳолатлар ҳақида атрофлича фикр юритилади.

Ушбу сонда журналхонлар Қуръони каримдаги Юсуф сурасининг тафсири ва баёнининг давомини ўқишлари мумкин. "Саҳобалар ҳаёти" рукнидаги Самий Нур Жаҳиннинг "Ниса ҳавла Расул" китобидан келтирилган "Зибоъа бинти Зубайр" номли парча Яҳё Ҳабибуллоҳ таржимасида эълон қилинган. Аҳмад Турсуннинг "Суринам Республикаси" мақоласида мазкур давлат ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган.

"Мовароуннаҳр уламолари" рукнида берилган "Машҳур Фарғонийлар" сарлавҳали мақола Жаъфар Абдулмўмин қаламига мансуб. Муштарийлар "Ислом ва олам" сарлавҳаси остида берилган турфа мазмундаги хабарлар билан ҳам танишадилар.

Одилжон Жаъфаровнинг "Чугучаклик ўзбеклар" мақоласида кўҳна тарих мавзуида фикр юритилади.

Шунингдек, журналнинг ушбу сонида муштарийлар "Хаттотларимиз ютуғи", "Очиқ юзлилик ва чиройлик хулқ", "Оятларнинг тушиш сабаблари", "Жаннат васфи" номли ва бошқа қизиқарли материаллар билан ҳам танишадилар.

**Дилором МАТКАРИМОВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги апелляция комиссиясининг 2008 йил 24 октябрдаги йиғилиш қарори билан Зангиота туман 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси Ж.Шарапованинг нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши тугатилди.

Тошкент вилояти адлия бошқармасининг 2008 йил 31 октябрдаги йиғилиш қарори билан Зангиота тумани 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси Зохида Эргашеванинг, Янгийўл тумани 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси Муҳаббат Комилованинг нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши 3 ой муддатга тўхтатилди.





UZBEKISTAN airways

*Саёҳатингизни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» билан бирга режалаштиринг!*

*Бутун дунё бўйлаб 45 дан ортиқ йўналиш!*

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси
26 октябрдан
қишки жадвалга ўтди
Қишки жадвалдаги янги қатнов: ҳар жума кунлари
Тошкент-Женева (Милан орқали).
Маълумот учун телефонлар:

Ҳаво алоқалари бош агентлиги
(жадвал, жойларнинг мавжудлиги, тарифлар ва имтиёзлар тўғрисида маълумотлар)
(998-71) 140-02-00

«Тошкент» аэропорти
(жадвал, самолётнинг учиб кетиши ва келиши бўйича маълумотлар)
(998-71) 140-28-01/02/03/04

www. uzairways. com

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари» - хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!»*


## ЭЪЛОН!

**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси Яккасарой тумани 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига;**

**Тошкент вилояти адлия бошқармаси Зангиота тумани 2-сонли давлат нотариал идораси нотариуси ва Ангрен шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозимларига;**

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

*Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*
*7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгор малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.*

*Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.*

**Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида тегишли адлия бошқармаларига мурожаат этишлари лозим.**

**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси телефонлари: 269-14-45, 262-70-41**
**Тошкент вилояти адлия бошқармаси телефонлари: 253-84-30, 280-51-03**

## Жиноят жазосиз қолмайди

**ҲАЁТДА одамлар учраб туради. Худога шукр, бундайлар кўп эмас — гуруч ичидаги курмакдай онда-сонда кўзга чалинади. Улар кўзаси кунида сингач эса барибир қонуннинг зийрак нигоҳи ва чиғириғидан яширина олмай қоладилар. Дастлаб бундай кимсалар ўпқон нафсимга тоғ қуласа ҳам гумбурлаб кетганини бошқалар эшитмадилар, билмадилар, деб ўйлайдилар. Шундай кезда оёғи ердан узилиб, бошқаларни менсимай қўядилар, кўзларини ёғ қоплайди — босар-тусарини билмай қоладилар. Бироқ текин луқма тешиб чиқади, деганларидек, давлат ва жамият мулкини талон-торож этиб, халқ ризқини туя қилиб кетавераман, деганлар адашади. Бунга биз ҳикоя қилмоқчи бўлган қуйидаги ўпқоннафслар қилмишининг бежазо қолмагани ҳам фикримиз исботидир.**

ЙЎЛ ҚУРИШ савоб иш, дейдилар. Шу боис мустақилликнинг илк йилларидаёқ шаҳарларимиз йўлларини ободонлаштириш, дилларни дилларга боғловчи янги кўприклар бунёд этишга катта эътибор қаратилди. Сўнгги йилларда бу борада амалга оширилган ишларни кўриб, завқланасан киши. Шаҳарларимиз чиройига чирой бағишловчи кенг ва равон йўллар орқали ҳаётимиз хавф-хатардан холи. Лекин ана шундай савобли ишга жиноят, ўғирлик, баднафслик аралашса, нима бўлади? Бир қатор назорат муассасалари томонидан "Андижонавтойўл" ҳудудий йўллардан фойдаланиш (ҲЙФ) бошқармаси тизимида ўтказилган текширувлар натижасида, 2004-2006 йиллар давомида республика Йўл жамғармасидан ажратилган маблағларни ўзлаштириш, мақсадсиз сарфлаш, бажарилмаган ишлар тўғрисида сохта далолатномалар тузиш, жамиятга тегишли мулкларни талон-торож қилиш орқали давлатга **2 миллиард 800 миллион** сўм иқтисодий зарар етказилганлиги аниқланди. Олиб борилган текширув натижалари бўйича Миллий хавфсизлик хизмати вилоят бошқармаси ва прокуратура томонидан "Андижонавтойўл" ҲЙФ бошқармасининг бир қатор раҳбар ва масъул ходимларига нисбатан Жиноят кодексининг ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, мансаб сохтакорлиги, порахўрлик каби моддаларининг турли қисм ва бандлари бўйича жиноят иши қўзғатилди.

СЎНГГИ ПАЙТЛАРДА "Андижонавтойўл" ҲЙФ бошқармаси атрофида бир неча хусусий фирма, корхона ва МЧЖлар пайдо бўлгани кўзга ташланади. Булар: "Андижонавтойўл" ҲЙФ бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган Абдупатто Жўраевнинг ўғли Баҳром Жўраев номига расмийлаштирилган **"Йўлчи" хусусий фирмаси, "Ободончилик" ихтисослаштирилган автомобиль йўллар корхонаси, "Дўстлик", "Мустақиллик", "Қалқон", "Кантал", "Омега", "Мангуст люкс", "And al-Hodaf"**. Бу хусусий фирмаларнинг "Андижонавтойўл" атрофида нега парвона бўлиб қолгани, бундан қандай манфаатдор экани назорат-текширув ва тергов ишларида аён бўлиб қолди. Республика Йўл жамғармасидан олинган маблағлар ана шу фирмалар орқали нақдлаштирилиб, талон-торож қилинган. А.Жўраевнинг кўрсатмаси билан бажарилмаган ишлар, етказиб берилмаган қурилиш материаллари учун ҳам юқорида номлари тилга олинган хусусий фирмаларнинг ҳисоб рақамларига пуллар ўтказилаверган.

"Ободончилик" ихтисослаштирилган автомобиль йўллар корхонаси томонидан 2005 йилнинг октябрь ойида Андижон шаҳрига кириш йўлида **845 миллион 168 минг** сўмлик иш бажарилгани тўғрисида маълумотнома тайёрланиб, республика **"Ўзавтойўл" ДАК**га тақдим этилади. Бу маълумот аслида сохта бўлиб, юқорида қайд этилган иншоотда ҳеч қандай иш бажарилмаган. Сохта маълумот бўйича республика Йўл жамғармасидан бошқарма ҳисоб рақамига қайд этилган маблағлар туширилади ва А.Жўраевнинг кўрсатмаси билан "Йўлчи" хусусий фирмасига ўтказиб юборилади.

"Ободончилик" ихтисослаштирилган автомобиль йўллар корхонаси раҳбари расман А.Қўчқоров саналсада, аслида унга А.Жўраевнинг ўзи эгалик қиларди.

Шу сабабли, у ушбу корхонанинг моддий аҳволини янада кучайтириш чораларини кўраверган. Масалан, "Андижонавтойўл" ҲЙФ бошқармаси тасарруфида бўлган Шимолий саноат минтақаси, 12-уйда жойлашган **269 миллион 845 минг сўмлик маъмурий бинони** "Ободончилик" корхонасининг балансига ўтказади. Бунга Олтинкўл тумани йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш, фойдаланиш корхонасининг "Ободончилик" корхонасидан 138 миллион сўмлик қарзи борлиги асос қилиб кўрсатилади. Бундан ташқари, "Андижонавтойўл" томонидан "Балиқчи-Мингбулоқ-Найман-Пунгон", "Марғилон-Қува-Марҳамат-Аравон" автомобиль йўлларида ўрта таъмирлаш ишлари бажарилмаган бўлса-да, сохта далолатномалар тузилиб, республика Йўл жамғармасидан **148 миллион 648 минг** сўм пул маблағлари ундирилган. Ушбу маблағлар А.Жўраевнинг кўрсатмаси билан "Йўлчи" хусусий фирмасига савдо мажмуаси қуриш учун сарфланган.

2004-2006 ЙИЛЛАР мобайнида Избоскан тумани йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш, фойдаланиш корхонаси бошлиғи лавозимларида ишлаган Султонмирза Исмонов, Абдуманноб Назаров, Толибжон Мирзараҳимовлар ҳам мансаб ваколатидан фойдаланиб, ҳамтовоқлари билан жиноий тил бириктириб, бажарилган ишлар ҳажмини кўпайтириш, қалбаки шакл-2 ҳужжатларини тайёрлаш орқали **459 миллион** сўм давлат маблағини ўзлаштириб юборади. Корхона раҳбарларининг қинғир ишларини кўрган ёнилғи-мойлаш материаллари таъминотчиси Маъруфжон Ҳожиев эса талон-торож қилиш бўйича улардан ортда қолгиси келмади. У **70 миллион 639 минг** сўмлик ёнилғи маҳсулотларини сотиб юборади. Изларни ёпиш учун эса ёнилғининг 5-автожамланма машиналари учун сарф этилгани тўғрисида 63 дона сохта ҳужжат тайёрлайди.

2004-2005 ЙИЛЛАРДА Андижон кўприклардан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган Қ.Ҳакимов (кейинчалик бу лавозимга А.Содиқов тайинланган), бош муҳандис И.Мирзаев, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи С.Нортожиев, бош ҳисобчи М.Абдуллаев, "Ободончилик" ихтисослаштирилган автомобиль йўллар корхонаси бошлиғи А.Қўчқоровлар "Тошкент-Ўш" автомобиль йўлида бажарилган жами **34 миллион 772 минг сўмлик** йўл қурилиш ишларини гўёки "Ободончилик" ихтисослаштирилган автомобиль йўллар корхонаси томонидан бажарилгани ҳақида сохта шакл-2 далолатномаларини тузишган. Ана шу ҳужжат асосида сунъий қарздорликни вужудга келтириб, Андижон кўприклардан фойдаланиш бошқармасининг балансидаги **107 миллион 285 минг сўмлик** қурилиши тугалланмаган 62 хонадонли кўп қаватли тураржой биноси ва **14 миллион 259 минг сўмлик** "Урал-4320" русумли автомобиль транспорт воситасини "Ободончилик" ихтисослаштирилган автомобиль йўллар корхонасининг балансига ўтказиб беришган.

Афсуски, бундай қинғир, кўзбўяма ишларни Бўз, Асака, Андижон тумани йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш, фойдаланиш корхоналарида ҳам кузатиш мумкин. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Тизимда йўл қўйилган ва илдиз отиб кетган бу қинғир ишларни, наҳотки, соҳа назоратчилари кўрмаган бўлса? Жиноят ишини тергов қилиш, айбланувчиларни сўроқ қилиш, юзлаштириш давомида республика Молия вазирлигининг Андижон назорат-тафтиш бошқармаси бош тафтишчиси Маҳмутали Махсутов тизимда йўл қўйилган камчиликларни камайтириш эвазига Асака ва Избоскан тумани йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш, фойдаланиш корхоналари раҳбарларидан 12 минг АҚШ доллари миқдорида пора олгани ҳам аниқланди. М.Махсутов ва унга пора берган, пора беришда воситачилик қилган "Андижонавтойўл" ҲЙФ бошқармасининг бир қатор масъул ходимларига нисбатан ҳам жиноят иши қўзғатилди.

Жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти судининг Б.Низамов раислигида ўтган бир неча суд мажлисида мазкур жиноят ишлари муҳокама қилинди. Суд ажримига кўра, **"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"**ги Олий Мажлис Сенатининг қарорига мувофиқ, А.Жўраев ва "Мукаммал йўл қурилиш" МЧЖ цех бошлиғи бўлиб ишлаган Т.Қурбонов 60 ёшдан ошгани сабабли жиноят ишининг уларга оид қисми айблилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб тугатилди.

ИЗБОСКАН ТУМАНИ йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш, фойдаланиш корхонаси собиқ раҳбари С.Исмоновга энг кам иш ҳақининг 400 баравари миқдорида жарима тайинланиб, 6 йил, Асака тумани йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш, фойдаланиш корхонаси собиқ раҳбари А.Яқуббековга энг кам иш ҳақининг 300 баравари миқдорида жарима тайинланиб, 5 йилу 6 ой, Андижон кўприклардан фойдаланиш бошқармаси собиқ бошлиғи А.Содиқов энг кам иш ҳақининг 400 баравари миқдорида жарима тайинланиб, 6 йилга озодликдан маҳрум этилди. Вилоят назорат-тафтиш бошқармаси бош тафтишчиси лавозимида ишлаган М. Махсутовга 8 йил қамоқ жазоси тайинланди. Суд қолган судланувчиларни ҳам 2 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, энг кам иш ҳақининг 300-350 баравари миқдорида жарима тайинлаб, 2 ва 3 йилга аҳлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилди. Айбдорлардан етказилган зарар тўлиқ ундириб олинди. Ноқонуний йўллар билан эгалланган иншоотлар, транспорт воситалари тегишли корхона ва ташкилотларга қайтарилди.

МАСЪУЛИЯТ УНУТИЛГАН, ишончга панжа орасидан қаралган жойда кўзбўямачилик, ўзбошимчалик каби салбий иллатлар авж олади. Бунинг оқибатида эса қатор жиноятларга йўл очилади. Жиноят эса ҳеч вақт жазосиз қолмаган. Афтидан "Андижонавтойўл" тизимидаги йўлсозлар йигит кишининг ризқи йўлда сочилган бўлади, деган нақлни нотўғри тушунган кўринади. Қинғир йўл билан топилган бойлик ҳеч вақт буюрмаган. Зеро, ҳалол ризқ меҳнатда, покликдадир.

**Ш.ШАРИПОВ**

# "Ўрни келганда ўмариб қол..."

## қабилида иш тутган ўпқоннафс кимсалар кирдикорига хотима қўйилди




ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Раҳмонов Абдукамол Шодиевич
Матрасулов Давлатназар Раҳимберганович
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-1015. Тиражи — 11153. Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00 t — тижорат мақола.



МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш.
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-70-65,
Факс: 233-84-50
e-mail: inson_va_qonun@mail.ru


1 2 3 4 5 6 8